O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 27 февраль, №41 (3315) Жума


## Ўзбекистонга эътибор

"Bureau Times" журнали Ҳиндистоннинг халқаро масалаларни ёритишга ихтисослашган нуфузли нашрларидан бири ҳисобланади. Яқинда унинг навбатдаги сони нашрдан чиқиб, ўқувчилар қўлига етиб борди.

Журналнинг ушбу сонида Ҳиндистон Президенти Абдул Қалам, вице-президенти Б.С.Шекҳават, Бош вазири А.Б.Важпаи, Бош вазир ўринбосари К.Л.Адвани сингари сиёсий арбобларнинг мамлакат олдида турган долзарб ички ва халқаро масалалар юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари ўрин олган. Шунингдек, унда Ҳиндистоннинг Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар, жумладан, Буюк Британия, Италия, Германия, Франция сингари ривожланган давлатлар билан ўзаро алоқаларига бағишланган саҳифалар ҳам мавжуд.

Эътиборли томони шундаки, журнал жамоаси мазкур сонда Ҳамдўстлик давлатлари орасидан фақат мамлакатимизга алоҳида аҳамият бериб, "Ҳиндистон ва Ўзбекистон" сарлавҳали қўш саҳифани эълон қилган. "Муносабатлар" ("Relations") рукни остида қатор рангли суратлар билан чоп этилган ушбу мақолада Ўзбекистоннинг тинчлик ва барқарорлик йўлидаги муҳим ташаббус ва саъй-ҳаракатлари, халқаро ҳамкорлик ришталари, қўлга киритаётган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Шуни таъкидлаш жоизки, журнал мамлакатимиз мавзусига илк бор мурожаат этаётгани йўқ. "Bureau Times" ўзининг 2002 йил апрель ойи сонини тўлалигича Ўзбекистонга бағишлаган эди.

**Шуҳрат УМИРОВ,**
**"Жаҳон" АА мухбири.**
**Деҳли.**

*Фармойишни ўқиб*

## Комиллик мактабда шаклланади

*Ўқитувчи... Ҳар бир инсон илк саводни ана шу мўътабар касб эгалари қўлидан олади. Эришган ҳар бир ютуғида устозларнинг ҳиссаси бор, деб билади. Таниқли инсон бўлганда ҳам, уларнинг берган сабоғини эслаб эъзозлайди.*

Президентимизнинг "2004 – 2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойиши ана шу соҳанинг заҳматкаш вакилларига бўлган ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Таъкидлаш жоизки, мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ таълим тизимига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Юртбошимиз ўша пайтлардаёқ бу соҳанинг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини қуйидаги сўзларида ифода этганди: "Мен Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир" деган фикрини кўп мушоҳада қиламан. Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалик муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир..."

Ҳа, ушбу соҳанинг ўта муҳим ва ҳаётийлиги боис давлат миқёсида бир қатор ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Биргина Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бу борадагиислоҳотларнинг тамалтоши бўлиб қолди. Бежизга 1998 йили Австралияда янги аср таълими истиқболларига бағишланган "Осиё – Тинч океани минтақасида XXI асрда таълим муаммолари" деб номланган халқаро анжуманда таълимни ривожлантиришга қаратилган махсус давлат дастури фақат АҚШ ва Ўзбекистондагина ишлаб чиқилганлиги таъкидланган эмас.

Юртбошимиз томонидан шу йилнинг 19 февралида имзоланган Фармойиш Миллий дастурда белгиланган вазифаларни тўлақонли амалга оширишда янги уфқлар очадиган ҳужжатдир.

Унда кўрсатиб ўтилган умумтаълим мактабларининг паспортини ишлаб чиқиш вазифаси мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг бош бўғинидир. Энди мактабларнинг умумий ҳолати, таъмирга муҳтожлилик даражаси, иссиқ ва совуқ сув билан таъминланганлиги, санитария шохобчаларининг аҳволи, ошхона, спорт заллари ва майдончалари билан таъминланганлик даражаси юқорига йўлланадиган ҳисоботга кўра эмас, ана шу ҳужжатдаги талаблар асосида баҳоланади.

Президентимиз республика мактабларининг моддий-техник базаси қониқарсиз аҳволда эканлигини Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунларига бағишланган йиғилишида алоҳида айтиб ўтган эдилар.

Дарҳақиқат, айрим далилларга эътибор берадиган бўлсак, ҳозир республика бўйича 2846 та мактаб капитал таъмирга муҳтож. 431 та мактаб қурилиши 10 фоиздан 60 фоизгача ба-

(Давоми 2-бетда).



## Гўзалликка ошуфталик

*Кўнгилнинг туб-тубидаги орзуларинг, умидларинг ва ушалмас армонларингни фақат оҳанглargina аниқ намоён эта олиши, таралаётган майин куй сенинг дардкашингга, сирдошингга айланиши мумкин. Балки Раъно Умрзоқовани Жиззах санъат коллежига бошлаган ҳам санъатга, куй-оҳангга ошуфталикдир.*

*— Ўтган йилнинг ноябрь ойида янги, замонавий бинога кўчиб ўтдик, — дейди коллеж директори Дилором Расулова. — Ўқув-машғулот хоналаридан ташқари, замонавий спорт заллари, кутубхона ўқувчилар хизматида.*

*Барча қулайликларга эга ушбу билим даргоҳида бугун 335 нафар йигит-қиз халқ чолғу асбоблари, анъанавий ижрочилик, миллий рақс, бадиий безак, мусиқа назарияси сингари санъатнинг ўн бир йўналиши бўйича таҳсил олаётир.*

**Суратда: Жиззах санъат коллежининг 4-босқич ўқувчиси Раъно Умрзоқова.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Беҳбуд БОТИРОВ).***

Тошкент давлат шарқшунослик институтида "XXI асрда Ўзбекистон билан Кувайт ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ривожланиш истиқболлари" мавзуида ўтказилган танлов якунланди.

Мазкур институт ва Кувайтнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган танловда кўплаб ўқитувчи ҳамда талабалар қатнашди. 2003 йилнинг сентябрь ойидан бошланган танловга икки мамлакат ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий, демографик ривожланишнинг умумий ва ўзига хос томонлари, умумий таълим истиқболлари мавзуларида йигирма тўққиз маъруза тақдим этилди.

Танловда мазкур институт профессори Тельман Сатторов ва 4-курс талабаси Манзура Ҳусниддинова ғолиб деб топилди.

*Шартнома — қонун!*

*Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунларига бағишланган йиғилишида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида шартнома интизомига риоя этилмаётганлиги, шартнома шартлари, жумладан, ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаётганлиги ҳақида тўхталиб, **"Биз жуда эътибор қаратишимиз зарур бўлган масала — бу шартнома интизомининг ўта қониқарсиз аҳволи билан боғлиқ"** деб таъкидлади.*

## Лафзида турмоқлик марднинг иши

Шартноманинг ўзи нима?

– Бу икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақидаги келишувдир, — изоҳ берди Адлия вазирлиги шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи Шокир Саидов биз билан суҳбатда.

Эътироф этиш керакки, эндиликда иқтисодиётни шартномаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, фойда келтирмаётган, паст рентабелли ширкат хўжаликлари фермер хўжаликларига айлантирилаётган бир пайтда унинг ўрни беқиёс.

Одатда, хўжалик шартномасида ҳар икки тарафнинг ҳаракати бир мақсадга — фойда олишга қаратилади. Фойда олиш эса лафзсизлик, шартнома қоидаларини бузиш ҳисобига бўлмаслиги керак. Республика Адлия вазирлиги тақдим этган маълумотларга кўра, биргина ғаллачилик соҳасининг ўзида бу борада кўплаб қонунбузилиши ҳолларига йўл қўйилган. Жумладан, "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналарда ўтказилган текширишлар давомида 13168 та ҳолатда шартнома интизоми бузилиши қайд этилган. Натижада ўтган йили адлия идоралари томонидан судларга 1512 та, яъни 2 млрд.863 млн. сўмликдан зиёд даъво аризаси киритилган. Уларнинг 903 таси, яъни 580,5 млн. сўмликдан зиёди қаноатлантирилган. Мисолларга мурожаат этайлик.

Фарғона вилояти Қува туманида фаолият юритувчи "Сами бобо" фермер хўжалиги билан "Қувадонмаҳсулот" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ўртасида давлат эҳтиёжи учун дон харид қилиш бўйича контрактация шартномаси тузилган эди. Унга кўра, фермер хўжалиги томонидан 672 минг сўмлик маҳсулот етказиб берилган. Аммо дон ҳақини тайёрловчи корхона белгиланган муддатларда тўламаган. Вилоят адлия бошқармаси мутахассисларининг аралашуви ва бу иш юзасидан хўжалик судига киритилган даъво аризасидан сўнг асосий қарздан ташқари 64 минг 512 сўм пеня ундирилган. Бундай ҳолат Зафаробод туманидаги "Қонгли" фермер хўжалиги ва "Жиззах дон маҳсулотлари" ишлаб чиқариш акциядорлик уюшмаси ўртасида ҳам содир бўлган. Пировардида фермер фойдасига 965 минг 452 сўм асосий қарз ва 295,550 сўм пеня "Жиззах дон маҳсулотлари"дан ундириб берилди.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси корхоналари томонидан фермер хўжаликлари билан тузилган шартномаларнинг ижроси ҳам қониқарли эмас. Шу вилоятнинг Пахтакор туманидаги "Бўтанов Шаҳзод" фермер хўжалиги А. Икромов номли пахта тозалаш корхонасига топширган ҳосилининг ҳақини ололмаган эди. Вилоят адлия бошқармаси фермер хўжалиги манфаатини ҳимоя қилиб, жавобгардан 1115000 сўм асосий қарз, 223520 сўм пеня ундириш бўйича судга даъво аризаси киритди. Маълум бўлишича, пахта хомашёсини харид қилиш учун ажратилган маблағ "Пахтабанк" туман бўлими томонидан назорат қилинмаганлиги сабабли, бошқа мақсадларга ишлатилиб юборилган экан. Шу боис суд ушбу бўлимдан ҳам 76.200 сўм жарима, жами 1414720 сўм маблағ ундириш бўйича ҳал қилув қарорини чиқарди. Баликчи туманидаги "Чинобод" пахта тозалаш акциядорлик жамиятидан эса еттита фермер хўжалигига 1428700 сўм маблағ, қўшимча 234175 сўм жарима ва 602522 сўм пеня ундириб берилди.

Бундан ташқари, "Боғот тумани машина-трактор парки" акциядорлик жамияти билан фермер хўжаликлари ўртасида тузилган шартнома шартларининг бажарилиши ўрганилганда, мазкур жамият 12 та фермер олдидаги мажбуриятларини бажармаганлиги маълум бўлди. Уларга етказилган 2023000 сўм зарарни ундириш бўйича адлия бошқармасининг даъвоси хўжалик суди томонидан тўлиқ қаноатлантирилди.

Ёки бўлмаса, Андижон туманидаги "Янгилик" фермер хўжалиги ҳисоб рақамида пули бўлгани ҳолда, "Андижон нефть базаси" унитар корхонасидан ёнилғи-мойлаш материалларини ололмаган. Оқибатда 444190 сўм зарар кўрган. Ана шу маблағ эса, суднинг ҳал қилув қарорига биноан, «Янгилик» фойдасига ундириб берилган.

Ҳозирги кунда ширкат хўжаликлари ва оилавий пудратчилар ўртасида тузилган ички хўжалик шартномаларининг ижросини ҳам етарли, деб бўлмайди. Хусусан, Оққўрғон туманилик пудратчи М. Исоқулов шартномада белгиланганидан ортиқча етиштирилган ғалласини "Маданият" ширкат хўжалиги натура ҳолида бермаётгани ҳақида Адлия вазирлигига мурожаат қилди. Тошкент вилояти адлия бошқармаси пудратчининг манфаатини кўзлаб, 96406 сўм асосий қарз, 14460 сўм пеня ва 50 минг сўм маънавий зарарни ундириш бўйича судга даъво аризаси киритди. Суд ушбу даъвони ҳам қаноатлантирди.

Буларнинг ҳаммаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ҳамда "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари талаблари қўпол равишда бузилаётганлигидан далолат беради. Чунки бу ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган Намунавий шартномада тайёрловчи маҳсулотни қабул қилиб олгандан сўнг белгиланган нархлар бўйича хўжаликка етти кун муддатда унинг ҳақини тўлаши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, ана шу Намунавий шартноманинг 4,3 бандида таъкидланганидек, шартномага мувофиқ белгиланган муддатларда экиш учун уруғликни етказиб бермаганда бўнак(аванс) тўловларини, топширилган дон учун тегишли ҳақларни тўлашдан асоссиз бош тортганда тайёрловчи хўжаликка тўланмаган суммани ҳамда ўзи тўлашдан бош тортган сумманинг ёки етказиб берилмаган уруғлик баҳосининг 15 фоизи миқдоридаги жаримани тўлайди. Жаримадан ташқари тайёрловчи хўжаликка кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмаган сумманинг ёки етказиб берилмаган уруғлик баҳосининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

Шартнома, ўзбекона қилиб айтадиган бўлсак, лафз. Лафзида турмоқлик марднинг иши. Лафзсизлик эса субутсизликдир. Буни ишлаб чиқарувчилар ҳам, таъминотчи ва тайёрловчи ташкилотлар раҳбарлари ҳам унутишга ҳаққи йўқ. Қолаверса, ҳар бир тузилаётган шартноманинг қонуний, айни чоғда мукаммал бўлишига, айниқса, уларнинг ижросини ўз вақтида амалга оширишга эришмоғимиз лозим. Шунда қишлоқ хўжалигидаги муносабатлар тартибга солиниб, ўз самарасини беради.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

Пойтахтимизда



## CASP грантлари

*Пойтахтимиздаги "DEDEMAN Silk Road" меҳмонхонасида АҚШ Халқаро тараққиёт агентлигининг фуқаролар манфаатларини қўллаб-қувватлаш дастури (CASP) грантларига сазовор бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлар лойиҳаларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.*

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилаётир. Жамоат назоратига асосланган ташкилотларнинг жамиятимиздаги роли тобора юксалмоқда.

Истиқлол йилларида нодавлат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий жамғарма ва муассасаларнинг иш юритиши учун кенг йўл очилгани боис юртимизда айни вақтда 3,5 мингдан ортиқ шундай ташкилот иш олиб бормоқда. Уларнинг фуқаролар ва юртимиз манфаатларини ҳимоя қилиш ва айрим муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган саъй-ҳаракатлари шу йўналишда иш юритувчи халқаро ташкилотлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда.

CASP ҳам демократик маданиятни мустаҳкамлаш, сиёсий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар учун муҳит яратиш борасида иш олиб боради. Фуқаролар ва нодавлат нотижорат ташкилотларни ташвишга солаётган масалаларни ечиш борасида уларга ўзининг грантлари билан кўмаклашади.

(Давоми 2-бетда).

Жойлардан хабарлар

### Алишер Бразилияга боради

**Сирдарёлик халқаро тоифадаги гроссмейстер Алишер Ортиқов октябрь ойида шашка бўйича Барзилияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига йўлланма олди. У Сайхунобод туманида ўтказилган шашка бўйича Ўзбекистон чемпионатида 18 имкониятдан 14 очко жамғариб, мутлақ ғолибликка эришди. Алишернинг укаси Ғайрат Ортиқов эса ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлди. Кичик шашка устаси ҳам акаси кўрсатган натижани қайд этди.**

**Ўз мухбиримиз.**

### Минтақавий семинар

**Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани бўйича дарс берувчи профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишга қаратилган минтақавий семинар бўлиб ўтди. Республика Олий ва ўрта таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда Самарқанд вилоятидан ташқари Навоий, Жиззах ва Бухоро вилоятидаги олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ҳам иштирок этди.**

**А. САТТОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

### Мурувват

"Когон ёғ" ҳиссадорлик жамияти тумандаги 3-ўрта таълим мактабини оталиққа олди. Айни пайтда корхона йил давомида мактабда қилиниши лозим бўлган таъмирлаш ишлари, спорт зали қурилиши ва спорт анжомлари билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга кўмак бериш дастурини ишлаб чиқди.

— Эндиликда даромадимизнинг салмоқли қисмини мазкур мактаб шароитларини яхшилашга сарфлаймиз, — дейди жамият раиси Ато Ўлжаев "Туркистон-пресс" мухбирига. — Бу бизнинг Меҳр ва мурувват йилида болажонларимизга қилган ёрдамимиз бўлади.

## Ердан оқилона фойдаланиш — давр талаби

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири О.НОРБЕКОВ).***

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасида ердан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланган семинар бошланди.

Ер ресурслари давлат қўмитаси раиси Э.Қурбонов семинарда аксарият экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланишга муҳтож эканини таъкидлади. Ҳозир мамлакатимиздаги қарийб икки ярим миллион гектарга яқин майдон турли даражада шўрланган. Шу боис майдонлардан самарали фойдаланиш, ерларнинг шўрланиши ва эрозиясининг олдини олишга янада жиддий эътибор қаратилмоғи лозим.

2003 йилда жойларда ердан самарали фойдаланиш юзасидан ўтказилган мониторинг натижасида 17 минг гектардан кўпроқ майдондан мақсадсиз фойдаланилгани аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, эндиликда фермер хўжалиги ижарага олган еридан муттасил мақсадсиз фойдаланса, шартномада кўзда тутилган экин ўрнига бошқа бозорбоп экинлар экишга йўл қўйса, ундан ер қонуний равишда олиб қўйилади.

Икки кун давом этадиган семинарда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ердан самарали фойдаланиши юзасидан назоратни янада кучайтириш, ер кадастрини мунтазам юритиш, электрон рақамли хариталар яратиш, республикада ерга оид ахборотларнинг марказлашган тизимини босқичма-босқич амалга оширишга оид масалалар муҳокама қилинади.

*Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида гапирилган эди*



# Фермерлар чертиб олинади

Бухорода қишлоқ хўжалигида суяги меҳнатда қотган тажрибали бир мутахассис билан қилган суҳбатимиз бевосита пахтачилик хусусида бўлди.

— Бу заминда деҳқончилик қилишнинг ўзига хос нозик жиҳатлари кўп, — деди у. — Айниқса, экин майдонларининг асосий қисми чўлда жойлашганлиги боис ёзнинг иссиқ кунларида ғўзага оби-ҳаёт кўпроқ сарф қилинади. Шунингдек, ер шўрланган эмасми, қиш даврида бир неча марта шўр ювиш лозим.

Жумладан, Жондор тумани ҳудудининг қарийб ярми чўл минтақасида жойлашган, экин майдонларининг шўрланиш даражаси бошқа жойларга қараганда бирмунча юқори. Шунга қарамасдан, жондорлик деҳқонлар баракали меҳнат қилмоқдалар. Масалан, ўтган йили, гарчи пахтачиликда режа бажарилмаган бўлсада, соҳадан 1,5 миллиард сўм соф фойда олинди. Бу ютуқларда фермерларнинг улуши салмоқли.

— Бундан ўн йил аввал таваккал қилиб, шу ишга қўл урган эдим, — дейди "Содиқ Раззоқ" фермер хўжалиги раҳбари Адҳам Аҳмедов. — Йиллар ўтган сайин тажриба ошиб борди. Тўғри, аввалига мустақил равишда иш юритиш, режаларни уддалаш осон кечмади. Лекин фидокорона ишлаш, муаммоларни тадбиркорлик билан ечишни ўзимизнинг асосий вазифамиз, деб ҳисобладик. Натижа чакки бўлаётгани йўқ. Мисол учун, бултур 21 гектар майдондан гектар ҳисобига 35 центнердан хомашё йиғиштириб олдик. Қўлимизга 6,7 миллион сўм соф фойда тегди. Энг муҳими, даромадимиз ошаётганлиги боис техника воситаларимиз ҳам кўпаймоқда. Яқинда лизингга ғўза қатор ораларига ишлов берадиган трактор харид қилдик. Ишлаш учун барча шарт-шароит мавжуд. Биз фақат фидокорона меҳнат қилишимиз, йил бошида имзоланган шартномаларни бажаришимиз керак.

Айни пайтда туманда 440 та фермер хўжалиги пахтачилик билан шуғулланмоқда. Улар тармоқнинг сердаромад эканлиги боис мазкур соҳани танлашган. Юқори кўрсаткичларга эришиб, мўмай даромад олаётганлари анчагина. Лекин, афсуски, фермерлар орасида ернинг умрини беҳуда ўтказаётган, масъулиятни тўлиқ ҳис қилмаётганлари ҳам бор. Хусусан, ўтган йили 74 та фермер шартнома топшириғини уддалай олмади. Натижада режага нисбатан давлатга 2785 тонна кам хомашё етказиб берилди. Бу камида 900 тонна пахта толаси, демакдир.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида жорий йилнинг бошида фермерларнинг уч йиллик фаолияти таҳлил қилингач, уларнинг 18 тасидан ер қайтариб олиниб, бошқа фермерларга берилди. Масалан, "Армонжон", "Теша Ҳаким", "Элёрбек", "Рафиқ Алик", "Теша Тўхтамиш", "Ашуробод", "Насри Бозор", "Янгибой Очилов" каби фермерларнинг фаолиятига нуқта қўйилди.

Шу ўринда "Нимага шундай бўлди, фермерларни танлашда хато ва камчиликларга йўл қўйилдими ёки улар хўжалик юритишнинг янги усулида ўзларини кўрсата олмадими?" деган табиий савол туғилади. Маълум бўлишича, уларнинг кўпчилиги илгари деҳқончиликда ўзини кўрсата олмаган кишилар, баъзилари эса қишлоқ хўжалигининг "қ" ҳарфини ҳам билмайдиган одамлар экани маълум бўлди. Демак, фермерларни танлашда масаланинг барча жиҳатлари ҳисобга олинмаган.

Дарҳақиқат, фермерликка муносиб кишиларни танлаш, ерни унинг тилини биладиган кишиларга беришда гап кўп. Ер токи ўзининг ҳақиқий эгасига топширилмас экан, ундан унумли фойдаланилмайди. Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган йиғилишида ҳам Президентимиз мазкур масалага алоҳида тўхталиб, юзага келган аҳволни жиддий таҳлил қиларкан, шундай деди:

"Очиқ айтиш керакки, бугун фермер бўлишни истайдиган одамлар жуда кўп. Аммо ҳар ким ҳам ҳақиқий фермер бўлолмайди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Ҳозирги кунда, фермер деганда, биз қандай одамни кўз олдимизга келтирамиз?

Фермер дегани — бу, аввало, универсал қобилиятга эга бўлган инсон. Халқимиз ибораси билан айтганда, бугун фермерга қирқ ҳунар ҳам оз".

Бугунги кунда туманда ўтган йилни зарар билан тугатган Нарзи Ражабов номли, "Бухоро", "Мустақиллик" ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликлари ташкил қилинмоқда. Фермерларни танлашда Юртбошимизнинг юқоридаги кўрсатмалари асос қилиб олинди. Ҳар бир ўринга ўнга яқин кишининг номзоди қўйилди. Фермерлар саккизта талаб, яъни даъвогарнинг ёши, мутахассислиги, стажи, оиласида ишловчилар сони, иқтисодий имконияти, шахсий техника воситаси ва оилавий пудратчи сифатида кейинги уч йиллик кўрсаткичлари бўйича кўрикдан ўтишди. Янги вужудга келган ҳар бир фермерга 42 гектардан ер майдони ажратилди.

Шу пайтгача 10-15 гектар ерда деҳқончилик қилаётган фермерларнинг аксарият қисми шартнома режасини уддаласа ҳам, кам фойда олиб, иқтисодий аҳволи яхшиланмаяпти. Шу боис туман ҳокимлиги ҳукуматимиз қарорлари асосида уларни йириклаштириш йўлидан бормоқда. Пахтачилик соҳасида иш юритаётган фермерларнинг ер майдонини камида 40, ғаллачиликда эса 45 гектарга етказиш мақбул ҳисобланди.

Дунё тажрибасидан маълумки, асосан йирик ва бақувват фермерлар қишлоқ хўжалигининг таянчи ҳисобланади. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Катта ер майдонига эга бўлган, мўл ҳосил етиштириб, мўмай даромад олаётган фермерлар Жондорда ҳам анчагина. Фикримизнинг далили сифатида "Ғайратали" фермер хўжалиги фаолиятини олиб кўрайлик. Бу ерда мавжуд 42 гектар экин майдонининг 36 гектарида пахта, қолганида ғалла етиштирилади. Пахтазор ва ғаллазорларининг 60 фоизи чўл массивида жойлашганлигига қарамасдан, фермер ҳар йили режаларини ортиғи билан бажариб келади. Масалан, ўтган йили пахтадан 31, ғалладан эса 40 центнердан ҳосил олиб, биргина пахтачиликнинг ўзидан 11,6 миллион сўм фойдани қўлга киритди.

Президентимизнинг 2003 йил 27 октябрдаги "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги Фармонида зарар кўриб ишлаётган, рентабеллик даражаси паст ширкат хўжаликларини босқичма-босқич фермер хўжаликларига айлантириш белгилаб берилган. Ушбу муҳим ҳужжатга асосан, жорий йил якунларига кўра, туманда яна еттита ширкат хўжалигини фермерликка айлантириш режалаштирилган. Демак, туманда фермерлар сони кўпайиб бораверади. Шу кунгача эса мавжуд 23918 гектар майдоннинг қарийб ярми уларга ажратиб берилди.

— Фермерликнинг истиқболли эканлигига деҳқонларимизнинг ишончи тобора ортиб бормоқда, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Аскар Жаводов. — Мазкур усулда иш юритаётганлар сони эса кўпаяётганлигининг сабаби ҳам шунда. Келгусида барча экин майдонлари фермерларга бўлиб берилади. Тўғри, хўжалик юритишнинг янги усулида меҳнат қилаётганларнинг ҳаммаси ҳам масъулиятни тўлиқ ҳис этиши осон бўлмаяпти. Шу боис биз бу борада режа асосида изчил иш олиб боряпмиз. Зарур бўлса, ҳар бир фермер билан мулоқотда бўлиб, унга амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Жондорда фермерларнинг юқори ҳосил олишига тўсқинлик қилаётган баъзи муаммолар ҳам мавжудки, уларни вилоятдаги мутасадди ташкилотлар ёрдамида ечиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Масалан, тумандаги барча экин майдонлари насослар ёрдамида суғорилади. Баъзида электр қуввати таъминотидаги узилишлар сувнинг вақтида келишига салбий таъсир қилмоқда. Шу билан бирга, айрим ҳудудлардаги экинлар оби-ҳаёт етишмаслиги сабабли, зах сувлар ёрдамида суғорилади. Бу, табиийки, ернинг шўрлаб кетишига ва тупроқ таркибининг бузилишига олиб келмоқда. Мазкур ҳудудда еттита туманнинг зах сувлари оқадиган йирик каналнинг жойлашганлиги туфайли эса ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашаяпти.

Қувонарлиси, Жондорда фермерлар таркиби янгилангани, улар танлов асосида чертиб олинаётгани ҳозирданоқ ишда ўзгаришлар бўлишига умид уйғотади. Негаки, ҳар бир фермер хўжалигида шу кеча-кундузда қишки тадбирлар оби-тобида ўтказилмоқда. Бу эса мўл ҳосил яратилишининг пойдеворидир.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# ХАТЛАР сўзлайди

## Меҳр — ҳаёт устуни

Яқинда бир юмуш билан Конимех тумани марказидан нарироқда жойлашган Абай номли ширкат хўжалигига йўлим тушди. У ердаги одамларнинг самимийлиги, меҳмондўстлигидан кўнглим тоғ бўлди. Кимдир сени руҳан эъзозласа, очиқ чеҳра билан муомала қилса, қалбинг излаган туйғуни — меҳрни топаркансан. Меҳр-мурувват бор жойда файзу барака ёғилаверади, дейишгани ҳақ гап экан. Илоё, бундай файзу барака бутун юртимиз узра ёғилаверсин.

**Тоқпан МАРКС.**
**Конимех тумани.**

## Лойиҳа кўп, аммо...

"Чим" ширкат хўжалиги ҳудуди ҳануз газлаштирилмаган. Ваҳоланки, «Ўзгазлойиҳа» томонидан лойиҳа ишлари амалга оширилганига ҳам анча бўлди. Хўжалигимизга табиий газ ўтказиш учун олти миллион сўм маблағ ажратилиб, икки километрга газ қувури ёткизилди. Хўжасизлик оқибатида чала қолган газ қувурларини ўмариб ҳам кетишди.

Ўтган йили яна янги лойиҳа тайёрладик. Лекин бундан ҳам натижа чиқмади. Мутасаддилар қоғозда жавоб йўллашни билишади-ю, бирор амалий ишга қўл уришмайди. "Халқ сўзи"га мурожаат этсак, ижобий ўзгариш бўлар деб умид қилдик.

**Дўсқобилбобо НОРҚОБИЛОВ.**
**Қамаши тумани.**

## Ваъданинг чеки борми?

Бизнинг шикоятимиз шундан иборатки, "Гулистон" маҳалламизда ҳар йили ноябрдан март ойигача газ бўлмайди. Уйлар совуқ. Овқат пишириш, чой қайнатиш муаммо. Кексалар, ёш болаларнинг боши касалдан чиқмайди. Мутасаддиларга мурожаат қилавериб, очиғи, чарчадик. Улар ваъдасининг чеки бормикан?

**М.УСМОНОВА.**
**Қибрай тумани.**

*Газетада босилмади, аммо...*

## Акциядорлар манфаатини кўзлаб



Таҳририятимизга Сурхондарё вилоятидаги "Руслан" очиқ акциядорлик жамиятининг акциядорларидан келган шикоят хатида улар жамият бошқаруви раиси фаолиятидан норозиликлари ҳамда айрим камчиликлар хусусида фикр билдирган эди. Мазкур хат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси раиси М.АСҚАРОВ имзоси билан келган расмий жавобда таъкидланишича, *"Руслан" очиқ акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг шу йил январь ойидаги қарорига асосан, жамият бошқаруви раиси фаолияти қониқарсиз, деб топилиб, у эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган.*

*Аризада келтирилган эътирозлар ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилган. Бошқа ҳолатлар жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида муҳокама қилинади.*

## МАКЕДОНИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ САМОЛЁТИ ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

Босния ва Герцеговинанинг Мостар шаҳри яқинида Македония Республикаси Президенти Борис Трайковскийнинг "Бичкрафт-200" самолёти ҳалокатга учради. Хабарларга қараганда, фожиага ноқулай об-ҳаво шароити сабаб бўлган.

Македония ахборот агентлиги тарқатган хабарда Президентнинг самолёти учиш олдидан барча текширувлардан ўтгани, учувчилар ҳам анча тажрибали бўлгани қайд этилмоқда.

Босния ва Герцеговинадаги халқаро тинчликни сақлаш кучларининг қутқарувчилари ҳалокат содир бўлган Битун қишлоғи яқинидан самолёт бўлакларини топди. Уларнинг маълум қилишича, ҳалокат чоғида самолётдаги тўққиз кишининг барчаси ҳалок бўлган.

Б.Трайковский Мостар шаҳрига Босния ва Герцеговинага хориж сармоясини жалб қилиш масалаларига бағишлаб Болқон мамлакатлари раҳбарлари ва элликка яқин бошқа давлат вакиллари иштирокида ўтаётган анжуманда қатнашиш учун келаётган эди.

Фожиа Македония сиёсий ҳаётидаги бошқа муҳим воқеага ҳам ҳалал берди. 26 февраль куни Бош вазир Бранко Црвенковский Дублинга бориб, Европа Иттифоқига раҳбарлик қилаётган Ирландия раҳбариятига ўз мамлакатини ЕИга қабул қилиш тўғрисидаги расмий аризани топшириши керак эди. Президент ҳалокати ҳақидаги хабарни эшитган Бош вазир ташрифини қолдирди.

Шу куннинг ўзида ҳалокат сабабларини ўрганиш учун Македониядан Босния ва Герцеговинага махсус ҳукумат комиссияси жўнатилди.

Борис Трайковский 1956 йил 25 июнь куни Струмица шаҳрида туғилган, Президент лавозимида 1999 йилнинг 5 декабридан буён ишлаётган эди.

**(ЎзА).**

(Давоми. Боши 1-бетда).

## CASP грантлари

CASPнинг фуқаролик жамияти манфаатларини ифодалашга қаратилган навбатдаги танловида мамлакатимиздан 15 нодавлат нотижорат ташкилот иштирок этди. Танловда аҳоли учун энг зарур тадбирларни амалга оширишни кўзда тутган тўртта лойиҳа мазкур ташкилотнинг грантига сазовор бўлди.

Лойиҳаси грантга сазовор бўлган ташкилотлар орасида Нукус шаҳрида фаолият юритувчи Орол ва Амударёни ҳимоялаш иттифоқи, Самарқанддаги "Ҳаёт" компанияси, Ўзбекистон "Тадбиркор аёл" уюшмаси ҳамда Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси бор.

Мазкур ташкилотларнинг экология, инсонпарварлик ёрдамини тақсимлаш, тадбиркорлик ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган лойиҳалари CASP томонидан молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг раиси Акмал Саидов, АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Роберт Пурнелл иштирок этди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Комиллик мактабда шаклланади

(Давоми. Боши 1-бетда).

жарилиб, бир неча йиллардан бери тугалланмай чала ҳолда ётибди. Хусусан, Қашқадарё вилоятида 75 та мактаб авария ҳолатига келиб қолган. 34 таси эса зилзиладан кейин бузилиб, ўқувчилар бошқа мактаблар, ташкилотлар бинолари, хусусий ҳовли-жойларда ўқиётганлигини хотиржам қабул қилиш мумкинми?

Жиззахда 55 та, Сирдарёда 21 та мактаб ночор аҳволга тушиб қолган. Самарқанд, Сурхондарё, Андижон вилоятларида ҳам аҳвол чатоқ. Бундай мактабларда ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан таъминланиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Демократик, ривожланган давлат қуриш йўлидаги мақсадимизни замонавий, рақобатбардош кадрларсиз амалга ошириб бўлмаслиги аён. Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримизнинг силсиласи – шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқаришдан иборат.

Шу маънода, Фармойишда қайд этилган яна бир масала хусусида. Бу педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш тизимига тегишли. Республикамизда педагог кадрлар тайёрлайдиган ўндан ортиқ олий ўқув юрти мавжуд. Уларни ҳар йили минглаб кадрлар битириб чиқаяпти. Шундай бир шароитда республика мактабларида дарс бераётган ўқитувчиларнинг 30 фоизи олий маълумотга эга эмаслигини қандай изоҳлаш мумкин?

Таълим ва тарбия жараёнига астойдил эътибор берилиб, муаллимлар қатлами маънавий, моддий жиҳатдан одилона рағбатлантирилиши кўп нарсани ҳал этади. Худди шу нуқтаи назардан қараганда Фармойишда бу борада белгиланган вазифалар, мактабларни ривожлантиришнинг бюджетдан ташқари жамғармасини ташкил этиш, ўқитувчилар меҳнатини, айниқса, бошланғич синф ўқитувчиларини рағбатлантиришнинг адолатли ва самарали чора-тадбирларини кўриш бўйича Президентимиз топшириқлари алоҳида диққатга сазовордир.

Бир сўз билан айтганда, Фармойиш таълимни янги сифат босқичига кўтаришга қаратилганлиги билан ўта аҳамиятли. У таълим тизимидаги янги ислоҳотлар йўналишини белгилаб берувчи бош омил бўлиши, шубҳасиз.

**Рустам ЁРЛАҚАБОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



## «Лола»нинг истиқболи

*Бугунги кунда Гулистон шаҳридаги "Лола-Модел" Ўзбекистон-АҚШ-Туркия қўшма корхонаси вилоятдаги истиқболли корхоналар сирасига киради. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган трикотаж маҳсулотлари нафақат мамлакатимизда, балки Ҳамдўстлик давлатларида ҳам ўз харидорларига эга. Кўриниши ва сифати жаҳон андозаларига мос келадиган "Лола-Модел" маҳсулотларига айни пайтда хорижий давлатларда ҳам харидорлар бисёр. Корхонада ҳар бир тикувчи, ҳар бир ишчининг ўз ўрни бор.*

*Жамоада Барно Ҳотамова (суратда) ҳақида сўз кетганда, ҳамкасблари уни "қўлигул чевар" деб аташади. Сабаби — Барно тиккан кийим-кечаклар ҳамиша барчага манзур бўлади.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# Виждондан қочиб бўлмайди

***Улар бир пайтда иш бошладилар. Иккиласидаям катта ишга етарли маблағ, қувват, уқув бор эди. Фақат бири ишни ошкора, қонун-қоидалар асосида бошлади. Иккинчиси иш юришиб кетгунча яширин фаолият юритмоқчи бўлди. Бироқ вақт ўтгани сайин тушаётган мўмай даромад исканжасида яширин цех ишини тўхтатолмади. Бир кун келиб, ноқонуний чиқарилаётган маҳсулотнинг ўзи сирни ошкор қилди. Сохта тадбиркор қўлга тушди. Йиққан даромади елга совурилди. Мунтазам солиқ тўлаб юрувчи қўшниси эса туманнинг катта тадбиркорига айланди.***

Буни қарангки, ўтган йил давомида пойтахт вилоятида шу сингари яширин цех ташкил этганларнинг 65 таси аниқланди. Қонуний рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, ўзбошимчалик билан мол-дунё орттирмоқчи бўлган "шоввозлар"нинг фаолиятига вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари чек қўйдилар. Сохта тадбиркорлардан жами 6 миллион сўмликдан ортиқ товар-моддий бойликлар давлат фойдасига ўтказилди.

Иқтисодиётдаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, солиққа оид жиноятларга қарши курашни кучайтириш мақсадида 2001 йилда Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида республика Бош прокуратураси ҳузурида Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ташкил қилинган эди. Юртимизда ноқонуний ишларнинг олдини олиш департамент ва унинг бошқармалари аъзоларининг асосий вазифасидир. Айнан шу йўл орқали давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатлари ҳимоя қилинмоқда.

*Солиқ тизими*

Жумладан, 2003 йил мобайнида вилоятда бошқарма вакиллари томонидан 1870 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланди. Уларнинг 375 таси устидан жиноий иш қўзғатилган. Шуниси ачинарлики, бу субъектлар давлатга жами 5 млрд. 701 млн. 900 минг сўм моддий зарар етказган. Бу чакана кўрсаткич эмас.

Нафс балоси деб, уларнинг назорат касса машиналари ҳисоб рақамларигача ўзгартирганларига нима дейсиз? Бир йилда ҳудудда 5 млрд. 738 млн. сўмдан ортиқ маблағ ноқонуний равишда айланган.

— Ўз ҳалол пулим,— дейди маблағни кассага эмас, киссага урган "шоввоз"лардан бири, олмалиқлик Эркин Аминов.

Қилаётган ишига жуда юзаки қараётган бу кимсага жайдари тилда изоҳ беришга тўғри келди: "Сиз Робинзон Крузога ўхшаб кимсасиз оролда эмассиз. Инсон манфаатлари ҳимояланган давлат сизни қўллаб турибди. У берган имконият ва шароитларга таяниб, даромад топаяпсиз. Нега ўзингиз ўтирган дарахтга болта урасиз?! "

Маълумки, ички бозоримизни четдан ноқонуний тарзда кириб келаётган маҳсулотлардан ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинган. Бу қарор ижроси юзасидан солиқ тўловчилар ва фуқаролар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шунга қарамасдан, сохта тадбиркорлар ноқонуний йўллар билан товарларни республика ҳудудига олиб кирмоқдалар. Юртимизга киритилаётган товарларнинг аксарияти Хитойда ишлаб чиқарилган сифати паст ва истеъмол талабларига жавоб бермайдиган кийим, пойабзал, газмол ва телерадио буюмларидир. Катта миқдордаги сифатсиз товарларни ҳужжатларсиз республикамизга олиб кирган "уддабуронлар"нинг 1221 таси аниқланиб, уларнинг 211 таси устидан жиноий иш қўзғатилди. Ундирилган товарларнинг 538 млн. сўмидан ортиғи сотилиб, маблағ Давлат бюджетига туширилди.

Республика бюджетининг асосини ташкил этувчи солиқ ва йиғимларнинг ўз вақтида тўланиши халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг гаровидир. Солиқдан қочиш виждондан юз ўгириш билан тенг. Тараққиётга кўпчилик билан биргаликда эришишга, юрт билан ҳамоҳанг равнақ топишга нима етсин!

**Мамлакат НОРМУРОДОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

*АҚШнинг Жон Хопкинс университети қошидаги Пол Ницше номидаги халқаро тадқиқотлар институтининг интернет журналида халқаро тараққиёт бўйича етакчи мутахассис Эндрю Бухманнинг «Тараққиётнинг ўзбек модели: изчиллик, собитқадамлик ва муваффақият сари» сарлавҳали мақоласи чоп этилди. Унда муаллиф Ўзбекистоннинг сўнгги 13 йиллик тарихига таҳлилий ёндашиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жараёнига холисона баҳо берган.*

# Америкалик олимнинг эътирофи

Эндрю Бухман мақолада ўтган асрнинг 90-йиллари бошида Марказий Осиё минтақасида вужудга келган вазият эндигина мустақилликка эришган Ўзбекистон учун ҳақиқий синов бўлганини таъкидлайди.

— Афғонистон ва Тожикистонда бир неча йиллар давом этган фуқаролар уруши ёш Ўзбекистонни қочоқлар, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси ва экстремистик гуруҳларга қарши кураш каби йирик муаммолар билан юзма-юз қилди, — дейди муаллиф. — Минтақа хавфсизлигига раҳна солган хавф-хатарлар мамлакат сиёсий ва иқтисодий имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга жиддий тўсқинлик қилди.

Америкалик тадқиқотчи ўша даврда Марказий Осиё минтақасида йирик давлатлар манфаатлари тўқнашуви масаласига эътибор қаратиб, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан олиб борилган оқилона сиёсат кўнгилсиз воқеалар ривожини бартараф этганини айтган.

— Президент Ислом Каримов Ўзбекистоннинг келгуси тараққиёти хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ эканини чуқур англаб етди, — деб давом этади Э. Бухман. — Шу маънода, у республикадаги сиёсий парокандалик ва тартибсизликларга барҳам бериб, миллий ўзликни англаш, демократик институтларни шакллантириш ҳамда кўп тармоқли иқтисодиётни барпо этиш масалаларига жиддий эътибор қаратди.

Олим тараққиётнинг «ўзбек модели» дея тан олинган бозор иқтисодиётига ўтиш хусусида сўз юритар экан, бундай ёндашув мамлакатни жар ёқасидан олиб чиққанини эътироф этган.

— Ён-атрофдаги мамлакатларда чуқур ижтимоий силсилалар, аҳолининг оммавий қашшоқлашуви, ташқи қарзларнинг кескин ортиши билан кузатилган бозор иқтисодиёти Ўзбекистонда босқичма-босқич равишда ҳаётга татбиқ этила бошланди. Бунинг натижаси ўлароқ, 1996 йилга келиб, Ўзбекистон ҳам иқтисодий, ҳам хавфсизлик масалаларида минтақадаги энг илғор давлатга айланди. Ўша йили «Электорал тизимлари халқаро фонди» томонидан ўтказилган сўровлар ўзбекистонликларнинг аксарияти мамлакат келажагига ишонч билан қарашини кўрсатди.

Америкалик мутахассис Ўзбекистонда сўнгги йиллар мобайнида сармоядорлар учун яратилаётган катта қулайликлар, иқтисодий ночор ишлаб чиқариш муассасаларини хусусийлаштириш жараёнини эътиборга олиб, тараққиётнинг «ўзбек модели» ўзини тўла оқлаганини таъкидлайди.

Эндрю Бухман ўз мақоласида Ўзбекистон иқтисодиёти сўнгги 13 йилда изчил ўсганини қайд этиб, турли танқидчиларни «ўзбек модели»га чуқур таҳлилий назар ташлашга даъват этган.

**Акмалжон ҚЎЧҚОРОВ.**
**«Жаҳон» АА.**

# ОЛАМ НАФАСИ

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

## Ишонмагин дўстингга...

***Ҳаётимизга кириб келаётган уяли телефонлар жадал суръатда такомиллашиб бормоқда. Уларни ўзига хос жосус, деб атаса ҳам бўлади. Чунки айни пайтда мукаммаллашган уяли телефон ичида MMS технологияси асосидаги фотокамера, телефон эгаси қаерда эканлигини ва ким билан гаплашаётганини аниқлаб берувчи микрочип бор. Мижозлар техник янгиликлар изидан қувиб, етолмай қолмоқдалар. Бу эса борган сари уларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлигига раҳна солмоқда.***

Телефонларнинг такомиллашуви нафақат шахсий, балки бошқа сирларнинг ҳам фош этилишига олиб келмоқда. Италия компанияларидан бирининг хизматчиси огоҳлантиришсиз ишдан бўшатилди. Уни корхона сирини фош этишда айблашди. Ғап шундаки, у мижозлар рўйхатини уяли телефон ёрдамида рақобатчиларга етказиш учун суратга олаётган пайт қўлга тушди.



Телефонлар дастидан "юлдуз"ларга ҳам ором йўқ. Мадрид аэропортида Мария Грация Кучинотта папарацци қурбони бўлди. «Мен эрталаб нонушта қилмаган эдим. Ишларимни тугатиб, ҳеч қаёққа қарамай, тамадди қилаётган пайтда мени зимдан суратга олаётган одамни кўриб қолдим. Билмаган одам, у телефонда гаплашаяпти, деб ўйлайди. У суратга олиш учун мендан рухсат ҳам сўрамади. Бу ўта маданиятсизлик», — дейди Мария Грация.

«Назаримда, уяли телефон фотокамераси ҳозирча суратни сифатли тушира олмаяпти. Шунинг учун ҳам мен унинг ёрдамида олинган бирорта ҳам шов-шувлисини кўрмадим. Бироқ бу — вақти-соати келиб, ҳал бўладиган масала. Уяли телефонлар фотокамералари такомиллашиб боргани сайин ўқувчиларимиз эксклюзив овчиларга айланиб қолиши мумкин», — дейди Novella 2000 ҳафталиги директори Биче Бияджи.

Руҳ тадқиқотчилари ҳам уяли телефонга қарши фикр билдирмоқдалар. Уларнинг гапларига қараганда, телефон орқали етиб келувчи қўнғироқ, хабар, SMS, MMSлар одамнинг ташқи дунё билан доимий алоқада бўлиш истагини кучайтиради.

«Уяли телефонлар одамнинг бир дақиқа ҳам ёлғиз қолишига имконият бермай, фикрлашини сусайтиради», дейди психолог Лучано Де Григорио.

Бу асбоб кун давомида ёнимизда бўлади, бироқ телефон ичида гапларингизни бошқаларга ҳам эшитиш имконини берадиган чип жойлаштирилган бўлиши мумкинлиги камдан-кам одамнинг хаёлига келади. Бошқача қилиб айтсак, уяли телефон одамнинг орқасидан кузатиб юрувчи жосусга айланиб бормоқда.

Интернетнинг қидирув хизматига уяли телефонлар бўйича сўров берсангиз, ўша дақиқанинг ўзидаёқ бировларнинг гапини эшитиш имконини берувчи хизмат телефонлар савдоси билан шуғулланаётган кўплаб сайтлар ҳақида маълумот оласиз.

Spyphone, яъни жосус телефон аппарати оддийларидан ўн баробар қиммат туради. Бировнинг нима ҳақида гаплашаётганлигини билиш учун телефон хотирасига киритилган рақамга қўнғироқ қилсангиз, кифоя. Энг қизиғи, телефон эгаси гапини биров эшитаётганини пайқамайди. Чунки «жосус» сим қоққан пайтда телефон қўнғироғи жиринглamaйди, ҳатто аппарат дисплейи ҳам ёнмайди.

Уяли телефонлар, компьютерлар сингари, вирус билан зарарланиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бу вируслар SMS хизмати орқали тарқалиши мумкин. SMS хизмати орқали юборилган хабарларга кодлар кўринишидаги вируслар жойлашиб олади ва бутун тармоққа тарқалади.

Хуллас, юқори технологиялар даврида инсоннинг қадрдонига айланган телефон, айни пайтда ғирт жосусга ҳам айланиб бормоқда.

**Хуршид РАУПОВ.**

*Иқтисодиёт янгиликлари*

### Голландия гуллари

Ўтган йили Голландияда гул экспорти 4 фоизга кўпайди. Гулчилар четга 4,75 миллиард евролик маҳсулот сотишди. Айниқса, тувакли гулларнинг бозори чаққон бўлди. Уларни экспорт қилиш бир йилда 12 фоизга, оддий гулларни четга сотиш эса бор-йўғи 0,5 фоизга ўсди. Голландия гулчилик ва ўсимликшунослик ассоциацияси раиси Ван Остайеннинг фикрича, иқтисодий қийинчилик даврида бу табиий ҳол ҳисобланади. Бундай вақтларда одамлар узоқроқ сақланадиган тувакли гулларни кўпроқ сотиб олишади.



### Япон фирмаси авиамотор ишлаб чиқаради

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг япон фирмаси биринчи марта халқаро авиаиндустриянинг тенг ҳуқуқли аъзоларидан бирига айланмоқда. Гап шундаки, Японияning "Хонда" ва АҚШнинг "Женерал электрик" фирмалари ўртасида битим имзоланди. Бундан буён икки фирма биргаликда бизнес класс типидаги енгил самолётлар учун "Хонда" мутахассислари томонидан яратилган двигателларни ишлаб чиқара бошлайди.



### «Тупроқ кондиционери»

Бельгиянинг Гент университети профессори Виллем ван Коттем йигирма йиллик изланиш натижасида янги модда яратди. Уни олимлар "тупроқ кондиционери" деб аташмоқда. Ерга дона-доналаб ёки майдалаб солинадиган бу модда ҳар қандай тупроққа тез аралашади. Унинг асосий хусусияти ернинг намлигини узоқ вақт сақлаб туради. Янги модда Африка қитъасида, жумладан, Сенегал, Нигерия, Того каби давлатлар чўл ҳудудларида муваффақиятли синовдан ўтди.

### Халқаро кўмак лозим



Гаитида ҳамон тартибсизликлар давом этмоқда. Мамлакат пойтахти — Порт-о-Пренс шаҳрида оммавий талон-торожликлар содир бўлмоқда. Маълумотларга қараганда, ҳукуматга қарши исёнчилар мамлакатнинг ярим ҳудудини ўз назорати остига олган. Улар мамлакат Президенти Жан Бертран Аристиднинг зудлик билан истеъфога чиқишини талаб қилишмоқда.

АҚШ Президенти Жорж Буш Гаитидаги тартибсизликларни бартараф этиш учун мамлакатга зудлик билан халқаро тинчликпарвар кучлар киритилиши зарурлигини таъкидлади. Франция ҳам бу таклифни қўллаб-қувватлашини билдирди.

### Ислоҳотлар қўллаб-қувватланмоқда

Германия канцлери Герхард Шрёдер мамлакатда иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш борасидаги ташаббуси аҳоли томонидан қўллаб-қувватланаётганлигини маълум қилди.

«Аҳоли ислоҳотлар ўтказиш лозимлигини англаб етди. Ҳукумат томонидан ўтказилаётган мазкур ислоҳотлар ижтимоий адолат мезонлари асосида амалга оширилади», — деди Шрёдер Financial Times газетасига берган интервьюсида.

### Маблағ давлатга қайтариладими?

Ливан Бош вазири Рафиқ Ҳаририй Саддам Ҳусайн даврига тегишли 500 миллион АҚШ долларининг Ироққа қайтарилишига ваъда берди. Унинг таъкидлашича, Ироқ вақтинчалик бошқарув кенгаши мазкур маблағнинг ўтказилиши қонуний бўлишини кафолатлаши ва бу ҳақда Ливан ҳукуматига расмий хат юбориши зарур.

### Махсус амалиётлар

Исроил армияси бронетехникалар ёрдамида Фаластиндаги Рамаллоҳ шаҳрида махсус амалиётлар ўтказди. Улар "Қоҳира-Уммон", "Марказий Фаластин банки" ва "Араб банки"да рейд ўтказишди.



Исроил махсус хизмати вакиллари "ХАМАС", "Ислом жиҳоди" , "Ҳизбиллоҳ" ва яна бир қатор террорчи ташкилотларнинг мазкур банклардаги 400дан ортиқ ҳисоб рақамларини текширувдан ўтказиб, 40 миллион шекел (8,9 миллион АҚШ доллари)га яқин миқдордаги маблағни Исроил ҳукумати ҳисобига ўтказди.

Фаластин мухторияти вакили Жибрил Ражуб бундай ҳаракатлар халқаро меъёрларга тўғри келмаслигини таъкидлади.

## Мутахассислар даъвати

Британиядаги Cancer Research UK ташкилоти ходими, профессор Тим Иденнинг маълум қилишича, ҳар йили дунёда 250 мингга яқин бола саратон хасталигига чалинади. Уларнинг ҳар бештадан биттаси ривожланган давлатларда, қолганлари эса ривожланаётган мамлакатларда истиқомат қилади. Ривожланаётган бу мамлакатларда ёш болаларни даволаш учун жаҳон андозаларига мос тиббий хизмат етарлича ташкил этилмаган. Бунинг оқибатида, ҳар йили 200 минг бола шу касалликдан вафот этмоқда. Мутахассисларнинг эътироф этишича, биргина Лотин Америкаси, Шимолий Африка давлатлари ва Ҳиндистонда касалликка қарши қўлланиладиган асосий дори-дармонларнинг



етишмаслиги оқибатида йилига 100 минг бола нобуд бўлаяпти.

Болалар саратон касаллиги билан шуғулланадиган Халқаро конфедерация ва Cancer Research UK ташкилоти биргаликда тайёрлаган маърузада айтилишича, мазкур муаммони бартараф этиш учун катта миқдорда маблағ талаб этилади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, дунёнинг баъзи нуқталарида бундай дардга чалинган болалар муолажа қилинмаётганлиги масаланинг янада жиддий тус олишига сабаб бўлаётир.

Конфедерациянинг БМТ Бош котиби Кофи Аннанга ёзган хатида келтирилишича, бу муаммони ҳал қилиш учун зудлик билан керакли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарур.

Эълон қилинган маърузада 15 феврални Халқаро саратон хасталигига чалинган болалар куни, деб белгилаш таклифи ҳам илгари сурилган.

Саратон касаллигидан даволаниш айни пайтда анча қимматга тушмоқда. Аммо мазкур касалликнинг бир неча турларини даволаш учун 30 АҚШ доллари миқдоридаги маблағ кифоя қилади.

Халқаро конфедерация муаммонинг ечимини қидирар экан, жаҳон ҳамжамияти олдига бир таклиф билан чиқди. Унга кўра, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ташаббуси билан бу касалликка қарши ишлатиладиган асосий дори-дармонлар рўйхатини тузиш ва уларни кўпроқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш керак. Шундагина дориларнинг нархи арзонлашади ва ривожланаётган давлатларда ҳам касалликни даволаш учун имконият пайдо бўлади.

— Бу болаларнинг ҳам яшашга ҳаққи бор, — дейди конфедерация вице-президенти Жеф Сакстер. — Бу даъват Кофи Аннан ва жаҳондаги кўплаб ҳукуматлар томонидан қўллаб-қувватланишига ишонаман. Шунда болалар ўртасида рак касалининг камайишига имкон яратилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу муаммони бартараф этиш учун бутун дунё давлатлари бир ёқадан бош чиқаришлари шарт.

**Юнус БЎРОНОВ тайёрлади.**


TS TECHNOLOGY
Компьютерлар ва компьютер технологиялари

Intel® Xeon™ MP процессорлари базасидаги TS-Net Vigor® M серверлари



Intel® Xeon™ MP процессорлари базасидаги TS-Net Vigor® M серверлари ўзининг ишончлилиги билан ажралиб туради, кўпгина фойдаланувчилар ва иловалар ишларини қўллаб-қувватлайди ва юқори унумдорлик билан ишлайди.

intel inside XEON

Ўзбекистонда илк бор ишлаб чиқарилаётган, барча халқаро андозаларга жавоб берадиган, баҳоси тўғри келадиган серверлар.

Корпоратив сотувлар: «Middle East Komputers», Тошкент ш., «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, 1520 офис. Тел.: (998 71) 120-77-78; e-mail: sales@tstech.uz.
«SK-Rest», Тошкент ш., Мусахонов к., 45-уй. Тел.: (998 71) 133-24-63; e-mail: sk-rest@tstech.uz.
Дистрибьютерлар: «Сакоти» МЧЖ, Тошкент ш., тел.: (371) 127-68-47, 127-59-57; «Техсервис», Термиз ш., тел.: (37622) 7-45-54;
«Поиск» ЕИТИ маркази, Фарғона ш., тел.: (3732) 24-13-13, 24-31-80.
http//:www.tstech.uz.

Товар сертификатланган. Intel, Intel Inside® ва Xeon™ логотипи Intel Corporation нинг АҚШ ва бошқа давлатларда рўйхатдан ўтган товар белгисидир.

экономическое ОБОЗРЕНИЕ ЖУРНАЛИ




ИМКОНИЯТ БЕРУВЧИ АХБОРОТ ВА БИЛИМ!

- ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ТАМОЙИЛ ВА МУАММОЛАР
- БОЗОРЛАР ВА КОРХОНАЛАР ҲАҚИДА ИШОНЧЛИ АХБОРОТ
- ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ МАСАЛАЛАРИ
- ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЖУРНАЛ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ГАЗЕТА ДЎКОНЛАРИ ВА СУПЕРМАРКЕТЛАРИДА СОТИЛМОҚДА

ОБУНА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

WWW.REVIEW.UZ ● ОБУНА ИНДЕКСЛАРИ – 957, 958 ● SALES@CER.UZ

Қайд қилинган гувоҳнома № 00023

BANK

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !

## Хотира

***Яна баҳор келди, гул фасли. Ариқ бўйларида осмон ранг бинафшалар, гулсафсарлар қийғос очилган, боқсангиз баҳри-дилингиз очилади.***

***Ҳар йили навбаҳорда гуллар юз очганда ана шу кўркамлик фаслининг куйчиси, оташнафас, севимли шоирамиз Зулфия опани ёд этамиз.***

***Зулфия опа умр бўйи куйлади, ёниб-куйиб яшади, ижод қилди. Зеро, туриш-турмуши, бутун ҳаёти ҳам қўшиққа, адо бўлмас дилрабо куйга ўхшарди.***



# Баҳор келди сизни сўроқлаб...

Ҳайронман, одамлар бепоён осмонга боқиб, ёруғ юлдузларни қидиришади, нечун уларни самодан изларсиз, ахир улар ерда-ку? Ҳар биримиз учун азиз ва мукаррам, қадрдон, бетакрор шоирамиз Зулфия опани назм мулкидаги ёруғ юлдузга ўхшатардим. У ижод дунёсига юлдуздек чарақлаб кириб келди ва шундай бўлиб қолди. Ҳар йили баҳор фаслида иқтидорли шоира қизларимизга Зулфия номидаги Давлат мукофоти берилади. Ўша ёш, ноёб иқтидор соҳибаларини кўриб, Зулфия опа ёдимга тушади. У ҳали ҳаётдек, орамизда юргандек туюлади, менга. Унинг ўтли, нозик мисралари дилимдан ўтади. Сермаъно сўзлашлари, кулиб туришлари, ифтихор ва виқор билан шеър ўқишларини ахир унутиб бўладими?

Опа баҳорни, гўзалликни севарди, гуллар шайдоси эди. Баҳор айёми, Наврўз кунлари анвойи гуллар кўтариб хонадонига борардик.

«Келиб бизни хурсанд, кўнглимизни обод этдингиз», — дерди.

Сира ёдимдан чиқмайди: республика газетасида ишлаган кезларимда «Ёзувчи ижодхонасида» рукнини ташкил этганмиз. Ўзбекистонимизнинг энг атоқли шоирлари, ёзувчилари — Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Собир Абдулла, Зулфия, Миртемир ва бошқа ижодкорлар ўзларининг янги ёзган асарлари билан қатнашар эдилар. Бу адибларимизнинг гўё газета майдонидаги қизғин мусоҳабасига айланиб қолгандай эди, десам, хато бўлмас. Улар ичида Зулфия опа тайёрлаб берган саҳифалар анча салмоқли, бадиий жиҳатдан бақувват бўлиб, унинг ўз ижодига нақадар масъулият билан қараганлиги билиниб турарди.

Шоира Ўзбекистонимиз шаъни-шуҳратини оламга олиб чиққан ўзбекнинг ақл-заковатли, оқила қизи эди. Унинг замон нафаси билан йўғрилган, қитъалар оша тинчлик, қардошлик, инсонийлик ғояларини тараннум этган «Мушоира» шеъри халқаро Жовахарлаъл Неру мукофотига сазовор бўлди.

1980 йиллар... «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» деган тавқи тамға елкамизга осиб қўйилганди. Ижод аҳлига ҳам муносабат ўзгарган пайтлар. Шоира анчайин хаста бўлишига қарамасдан, йўқлаб борганимда ёзув столида қораланган қоғозлар ётарди.

Изтироб билан қуйидагиларни деди:

— Менга тантанали мажлисга таклифнома юборишибди. Уни мажлис ўтгандан кейин олдим. Тағин ҳурмат билан «Президиумга» деб ёзишибди.

Москвадан Тихонов табрик юборибди. «Мамлакатимизнинг биринчи шоирасига» дебди. Қарангки, бизнинг уюшмадан ҳам табрикнома олдим, қарасам, тагида имзо йўқ, ким юборгани номаълум.

Биласизми, баъзан мукофотга шундай асарлар тақдим этиладики, ҳайрон қоласан, киши. Ахир халқ дилига ёққан адабиётимизнинг энг яхши нодир асарларига мукофот бериш керак эмасми?

Мен унга нисбатан адолатсизликни ич-ичимдан ҳис этиб турардим. Зеро, эл-юрт ҳурматига лойиқ, ҳамиша иззат-икромда, ардоқда юрган атоқли шоирани бирдан четга суриб ҳам лавозимидан, ҳам эътибордан четлатишлари уни қаттиқ изтиробга солганди. Бир неча кундан сўнг у касалхонага тушиб қолди. Биламанки, бетоблик чоғида ҳол сўраб борганларни унчалик ёқтирмайди. Шу боис қўнғироқ қилдим.

— Яхшиси, тузалиб чиққанимдан кейин келарсиз, — деди.

Шундай бўлса ҳам, юрак ютиб шифохонага бордим. Қўлимда бир даста гул.

— Рухсат этмасангиз ҳам келавердим, — дедим гулларни столга қўйиб. Ташрифимдан хурсанд бўлиб кетди. Кейин бироз суҳбатдан сўнг:

— Биласизми, ҳар қандай аёл беморлик ҳолатида ўзини ўнғайсиз ҳис этади. Шу боис хасталик чоғимда ҳеч ким мени шифохона либосида кўришини истамайман, — деди.

Республикамизда чоп этиб келинаётган севимли журналимиз «Саодат»ни саодат қилган ҳам, эл-юртимизда энг ардоқли нашрга айлантирган ҳам Зулфия опадир. Зулфия ва «Саодат» — бу икки ном гўё бир мазмун кашф этган. Энг муҳими, «Саодат»нинг ижодхонасида, мактабида шундай ажойиб журналист, ёзувчи, шоиралар етишиб чиқдики, бунда унинг жонкуяр, куйинчак ҳам талабчан, истеъдодли муҳаррирининг хизматлари беқиёс. Эл-юртга машҳур бўлиб кетган шоира ва журналистлар: Холида Аҳророва, Эътибор Охунова, Олмос Аҳмедова, Ойдин Ҳожиева, Санъат Маҳмудова, Гулчеҳра Жўраева, Ҳалима Худойбердиева, Дилбар Саидова, Раъно Раҳмон, Раҳима Шомансурова, Муҳтарама Улуғова, Қутлибека Раҳимбоева... Булар барчаси «Зулфия қизлари», «Саодат» мактабини ўтаган қалам соҳибаларидирлар.

Бир куни «Саодат» журналига деб «Сурнай навоси» номли ҳикоя ёзиб, Зулфия опа ҳузурига бордим. Ҳикояни ўқиб чиқиб, фикр билдираркан, Ҳамид Олимжон билан биринчи бор танишганликлари тарихини сўзлаб берди.

— Бир мўътабар йиғинга бироз кечикиб бордим. Қарасам, одамлар кўп, жой йўқ. «Менинг ёнимга келинг», деб қолди кимдир. Қарасам, атоқли шоиримиз Ҳамид Олимжон экан. Ўтирдим, бироз ҳаяжондаман. Қўлимдаги кийим-бошимни топширган номерни ҳадеб ўйнайверган эканман, у киши ғаши келибми, буни кўп ўйнаманг, дегандек қўлимдан олиб чўнтагига солиб қўйди.

Савол назари билан қараган эдим:

— Сизга халақит бераяпти, ҳали мажлисдан кейин оларсиз, менга ишонаверинг, — деди.

Мажлис тамом бўлгач, ташқарига чиқдим. Қарасам, ҳеч ким йўқ. Кийимларимни ололмай, анча кутиб турдим. Ҳамма бирин-кетин чиқиб, жўнаб қолди. Мен ғалати аҳволдаман. Шу вақт Ҳамид Олимжон чиқиб, пальтомни олди-да, кийгизиб қўйди. Кейин «яёв кетамиз», деб қолди. Йўл-йўлакай сўзлашиб борамиз. Ўшанда уйимга қадар кузатиб қўйди. Бу кейинчалик умрим, шеърим мазмунига айланган шоир билан биринчи учрашувимиз эди. Юлдузимиз юлдузимизга тўғри келган экан, турмуш қурдик. Фикримиз ҳам, қарашларимиз ҳам, маънавий дунёмиз ҳам уйғун эди. Ана шу яқинлик бизни бирлаштирган бўлса ажаб эмас.

«Ибн Сино» романим чоп этилгач, бир нусхасини олиб ва яна гул кўтариб уйларига бордим. Меҳрибон қизлари Ҳулкар ҳам ўша ерда экан. Дастурхон атрофида узоқ суҳбатлашиб ўтирдик. Шундан бир неча кун ўтгандан сўнг, «бир келмайсизми» деб қўнғироқ қилиб қолди. Учиб бордим.

— Ўқиб чиқдим. Табриклайман. Яхши мавзуга қўл урибсиз. Улуғ ҳаким ҳақида беҳисоб китоблар ёзилган. Сиз бадиий оҳангга солибсиз, — деди. — Биласизми, — деди сўнгра суҳбат орасида (Зулфия опа кўпинча гапини шундай бошлар эди), — одамлар менинг ижодим ҳақида сўзлашмай, садоқатим ҳақида гапиришади. Бу, албатта, мен учун жуда муҳим. Чунки менинг садоқатим Ҳамид Олимжон ижоди билан боғланиб кетган. Йўқотиб қўйганимдан сўнг умрим бўйи унинг дарди билан куйиб-ёниб яшадим. Шеърларимда ҳам қадрдонимнинг руҳи бор.

Буюк истиқлолимиз ижодкорлар учун яна ҳам кенг имкониятлар берди. Зулфия опанинг муборак саксон йиллиги «Туркистон» саройида тантана билан нишонланди. Ҳурмат-эътибор, айниқса, Президентимизнинг шоирага йўллаган меҳрли табриги унинг руҳиятини яна ҳам кўтариб юборди. Ўша кезлари шоиранинг ўзига сиғмай, саодатли кунлари яна қайтиб келгандай, қувонганларини кўрсангиз эди.

Шогирдлар юбилей кунлари «Эҳтиром» деган тўплам чиқардилар. Унда севимли шоирамизни билган, ҳурмат ва эҳтиром этган шоиру фузалоларнинг, содиқ шогирдларининг эсдаликлари, мақолалари жамланган.

Тўпламни Зулфия опа ўз муборак дастхати билан менга ҳам тақдим этган. Уни китоб жавонимнинг энг кўримли жойига эҳтиётлаб жойлаб қўйганман. Ўша дастхатда шундай дейилган:

«Шоира қизларим бизга ажойиб туҳфа қилдилар. Уни мен Сизга тақдим этгим келди... Омон бўлинг. Зулфия. 20.VI.95 йил».

Баъзан «Эҳтиром»ни қўлга олганимда юрагим узилиб кетгандай бўлади.

Сўнгги марта шоирамиз касалхонада бетоб ётганида борганман. Қўлимда бир сават оппоқ гул. Аммо кўриш насиб этмади. Ҳулкар чиқди, кўзларида ёш...

— Аямнинг соғлиқлари яхши эмас. Кирмай қўя қолинг...

— Бўлмаса, мана шу гулларни олиб кириб хоналарига қўйинг, Зулфия опам гулларни яхши кўрар эди.

Ҳар йили баҳор фаслида биз ардоқли шоирамиз, назм мулкининг маликасини ёдга олурмиз.

Ҳа, Зулфия опа биз учун ҳамиша ҳаёт. Баҳор билан, ёруғ тонг билан, биз билан бирга, ёнимизда, қалбимиз тўрида.

**Мақсуд ҚОРИЕВ.**

**Шоира Зулфия ижодкор дўстлари даврасида (1970 йил).**
**Сурат муаллиф архивидан олинди.**


Корхона ва ташкилотлар диққатига!

*Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси*

**Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**

*2004 йилда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ўқув-лаборатория жиҳозларини сотиб олиш бўйича танлов савдоларини эълон қилади.*

**Лот-1.** *Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги устахона ва ўқув хўжалиги учун жиҳозлар.*
**Лот-2.** *«Автомобиль иши» устахонаси учун жиҳозлар.*
**Лот-3.** *Енгил саноат йўналиши бўйича ўқув устахонаси жиҳозлари.*
**Лот-4.** *Ёғочга ва темирга ишлов бериш бўйича устахона жиҳозлари.*
**Лот-5.** *Маиший хизмат йўналиши бўйича ўқув устахонаси жиҳозлари.*
**Лот-6.** *Қурилиш ва коммунал хўжалиги йўналиши бўйича ўқув устахонаси жиҳозлари.*
**Лот-7.** *Компьютер ва офис жиҳозлари.*
**Лот-8.** *Спорт анжомлари ва жиҳозлари.*

***Буюртмачи** — Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази.*

*Жиҳозларни сотиб олиш Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказига давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.*

*Танлов савдолари ташкилотчиси — Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.*

Корхона ва ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари лозим: етарли касбий ва малакавий тажрибага, моддий ва молиявий имкониятларга, шунингдек, шартнома тузиш учун юридик лаёқатга эга бўлишлари керак.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдолар ташкилотчиси — Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш лозим.

Таклифлар қуйидаги манзилда танлов савдоси ташкилотчиси томонидан қабул қилинади:

*Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй, 400, 411-хоналар.*
*Телефонлар: 144-12-17, 144-07-65.*

***Таклифларни тақдим этишнинг охирги муддати — тендер савдолари ташкилотчиси томонидан таклифларни очиш вақтигача ҳисобланади. Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 55-уй, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази мажлислар зали. Таклифларнинг очилиши эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан сўнг амалга оширилади.***


## Хайрли тадбир

СПИД — инсоният ҳаёти учун хавф туғдираётган касаллик. Бутун дунёда унга қарши курашиш, олдини олиш чоралари кўрилмоқда. Хоразм вилоятида ҳам бу борада ёшлар ўртасида кенг кўламли тушунтириш, тарғибот ишлари олиб борилаяпти, турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Яқинда Урганч шаҳридаги «Авесто» ёдгорлик мажмуида «Ёшлар — гиёҳвандлик ва СПИДга қарши» шиори остида хайрия концерти бўлиб ўтди. Ушбу тадбир вилоят ҳокимлиги, прокуратураси, ички ишлар бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, вилоят СПИДга қарши курашиш маркази ва «Гулрухсорбегим» фирмаси томонидан ташкил этилди. Тадбир иштирокчилари ёшларни СПИДдан ҳимояланишга, унга қарши курашишга чақирдилар.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**«АЛТАЙ» РАДИО-ТЕЛЕФОН тизимидан фойдаланаётган абонентлар диққатига!**

Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида «Алтай» радио-телефон алоқа хизматидан фойдаланаётган барча абонентларга шуни маълум қиламизки, **2004 йил 1 мартдан бошлаб абонент тўловлари бир ойга 5400 сўм этиб белгиланди.**

Тарифда қўшимча қиймат солиғи ҳисобга олинган.

**Абонентлар билан аввал тузилган шартномалар ўз кучини йўқотмайди.**

*«Автоалоқа» ОАЖ бошқарув идораси.*

**ТЕЛЕФОН: 144-25-67.**

*Муҳтарам юртдошлар ва Ўзбекистон меҳмонлари!*

**Шу йилнинг 23 январидан бошлаб**

**ТОШКЕНТ - САМАРҚАНД - ТОШКЕНТ**

**йўналиши бўйлаб ҳаракатланадиган 6 вагондан иборат тезюрар, барча қулайликларга эга бўлган йўловчи поезди қатнови йўлга қўйилди.**

*Сафар давомида Сизга қиймати чипта баҳосига кирган нонушта ёки кечки овқат таклиф қилинади. Қисқа муддатли сафар давомида керак бўлган барча сервис хизматлари кўрсатилади. Хоҳишингизга кўра, қўшимча тўловга ёдгорликлар тўплами, совғалар харид қилишингиз, видеофильмлар ва мусиқали клипларга буюртмалар беришингиз мумкин.*

*Поезд Тошкентдан эрта тонгда, Самарқанддан эса кечқурун йўлга чиқади ва сизда кун давомида Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш имкони бўлади.*

*Йўловчи поезди катта тезлик билан ҳаракатланиб (автомобиль транспортидан тез), сизларни Самарқандга етказиб, Тошкентга қайтиб олиб келади. Ҳар бир вагон купелари алоҳида бўлиб, уларда 6 тадан юмшоқ ўриндиқли креслолар ўрнатилган.*

*Сафар давомида сизга оилангиз ва дўстларингиз билан вақтингизни чоғ ўтказишга имкон яратилади. Купе деразасидан Ўзбекистон табиати ва унинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишингиз мумкин.*











МАЪЛУМОТЛАР ХИЗМАТИ:
**005, 199-72-15.**
ВОКЗАЛ БЎЙИЧА НАВБАТЧИ
**199-72-16.**
МАЪМУР
**199-76-27.**

**Йўловчи поездининг ҳаракатланиш жадвали**

| Поезд № | Маълумот | Бошланғич манзилдан жўнаб кетиш вақти | Белгиланган манзилга етиб бориш вақти |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент-Самарқанд | 6:50 | 10:50 |
| 2. | Самарқанд-Тошкент | 17:00 | 21:00 |

**Поезд ҳафтанинг жума, шанба ва якшанба кунлари қатнайди.**

*Сафарингиз мароқли ўтсин!*

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»ДАТК
«ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖ

патент № 0119582

**ТАШҚИ РЕКЛАМА**

Корхона ва ташкилотлар диққатига! Хусусий тадбиркор Умурзаков Э.А. Сиз учун қисқа муддатларда ва арзон баҳоларда қуйидаги ташқи реклама воситаларини тайёрлаш ва ўрнатиш бўйича ўз хизматларини таклиф этади:

- *пластик осма ёзувлар;*
- *ёритилувчи таблолар;*
- *ҳажмли ҳарфлар;*
- *эшик лавҳалари;*
- *тортма баннерлар;*
- *кўрсаткичлар;*
- *реклама тўсинлари ва ҳоказо*

Кўрсаткич

**Тўлов пул ўтказиш йўли билан.**
**Маълумот учун телефонлар:**
**128-37-13, 173-63-90, 186-37-13, 173-38-35.**


Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Олий суд судьяси Ҳаёт Холмирзаевга волидаи муҳтармаси
**МАМЛАКАТХОН аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси жамоаси компания ходими Лола Милибаевага отаси
**Марибжон МИЛИБАЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Маънавият» нашриёти жамоаси нашриёт ходимаси Шоҳида Илҳомбековага акаси
**Донишбек ИЛҲОМБЕКОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 374. 33013 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Жамшед ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[Т]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Х. Эшманов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди - 21.50 1 2 3 4 5